



“Луқмон” сурасидаги насиҳатларнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни

Салиева Биби-Айша

Тошкент ислом институти талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада “Луқмон” сурасининг нозил бўлиши, мавзуси ва бу сурасидаги ота-онани ҳурмат қилиш, солиҳлар йўлидан юриш, даъватда ҳикматли бўлиш, яхшиликка чақириш, ёмонликдан қайтариш каби тарбиявий насиҳатлар ҳақида маълумотлар берамиз.

Калит сўзлар: Луқмони ҳаким шахсияти, Маккий сура, асбобун нузул, ақида, ширк, Луқмони ҳакимнинг ўғлига насиҳатлари.

Ўттиз тўрт оятдан иборат Луқмон сураси Маккада нозил бўлган. Суранинг бундай номланиши унда Луқмони Ҳакимнинг қиссаси келгани сабабидандир. Бу маккий сурада ҳам асосан ақийда масаласи муолажа қилинади. Хусусан, ваҳдоният, пайғамбарлик ва қайта тирилиш ҳақида сўз кетади. Ушбу масалаларда мушрикларнинг хато тушунчалари турли йўллар билан кўрсатилади. Айни чоғда ақийда, иймон, дину диёнат масаласида зарур бўлган одоб-ахлоқ жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Булар, айниқса, ҳазрати Луқмоннинг ўғлига қилган насиҳатларида яққол кўзга ташланади.

Луқмон сураси охириги Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлган абадий мўъжиза, ҳикматли Китоб – Қуръони Каримдан баҳс юритиш билан бошланади. Аввал бошда алифбо ҳарфларидан учтаси келтирилиб, ушбу Китоб ҳам, ушбу сура ҳам худди мана шу ҳарфлардан таркиб топганига ва айни пайтда бу



Қуръон Аллоҳнинг мўъжизаси эканига ишора қилинади¹. Сўнгра Аллоҳ таолонинг ваҳдониятидан баҳс юритилади.

Кейин эса ақийда масаласи осмонлару ерга ва улардаги неъматларга нисбатан инсон муносабати нуқтаи назаридан келиб чиқиб муолажа қилинади. Аллоҳ таоло осмонлару ерни инсон учун яратдими, демак, инсон унга шукр қилмоғи лозим. Аллоҳга шукр қилиш эса Унга иймон келтириб, ибодат этиш билан рўёбга чиқади.

Суранинг охирида кечаю кундузга, куёшу ойга разм солиб, ибрат кўзи билан боқиб, улардан хулоса чиқариб, Аллоҳ таолонинг чексиз қудрати ва ваҳдониятини англаб олиш зарурлиги эслатилади. Қиёмат куни даҳшатидан огоҳлантирилади.

Сура Қуръони каримнинг таърифи билан бошланиб, сўнгра шу буюк борликда ҳам Аллоҳ таолонинг Борлиги ва Бирлигига далолат қиладиган турли оят-аломатлар мавжуд эканлиги ҳақида хабар берилади ва коинотдаги энг кичик заррадан тортиб энг катта сайёраларгача барча мавжудот Ягона Яратган томонидан белгиланган тартиб-интизомга бўйинсуниши уқтирилади².

Луқмони ҳаким — шарқ мумтоз адабиёти ва халқ оғзаки поэтик ижодидаги донишманд табиб образи. Кўпгина ҳикоя, афсона ва эртаклар қаҳрамони. Алишер Навоий “Тарихи ҳукамо ва анбиё”, Хондамир “Равзат ус-сафо” ва бошқаларда Луқмони ҳаким тарихий шахс-пайғамбар сифатида гавдаланган. Шарқ мумтоз адабиётида у қора танли кул бўлиб, ўз пайғамбарона кароматлари туфайли озод бўлган. Ўзбек фольклорида Луқмони ҳаким образи донолик тимсолига айланган³. Луқмон ҳақида ривоятлар кўп. Шулардан бирига кўра, Луқмон Од қавмидан бўлиб, уни Луқмон ибн Од деб аташган.

Манбаларда айтилишича, Арабистонда яшаган ана шу халқ Аллоҳнинг ғазабига учраб қурғоқчиликка дучор бўлади. Халқ бу

¹ https://islom.uz/mano_tarjima/31

² <https://www.islamonline.uz/quran/content?id=4820>

³ Анвар Аҳмад. Саодатга етакловчи ҳикматлар. – Тошкент: Сано-стандарт, 2018. 1-китоб. – Б. 320.



офатдан кутулиш мақсадида ўз вакиллари Мақкага ёмғир сўраб дуо ўқиш учун юборади. Уларга Луқмон бошлиқ бўлади, лекин у Аллохдан ўзига узок умр сўрайди. Аллох Луқмонга еттита бургут умрига тенг келадиган узок умр ато этади⁴.

“Луқмон” сураси билан боғлиқ “Асбобун нузул” илмига оид битта мисол келтирамиз. Ашарай мубашшара жумласидан бўлмиш Саъд ибн Аби Ваққос (590-674) розияллоху анху сабабидан Аллохдан тўртта ҳукм туширган, шулардан бири “Луқмон” сурасидаги 15-оятдир. Буни Имом Бухорий ўзининг «Ал-Адабул муфрад» асарида у зотдан нақл қилинган ҳадисда келтиради. Саъд ибн Аби Ваққос айтади: «Аллох азза ва жалланинг китобидан мен ҳақимда тўртта оят тушган. Онам Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламдан айрилгунимча емасликка ва ичмасликка қасам ичган эди. Бас, Аллох таоло: «Агар улар, яъни ота-онанг сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга, гарчи кофир бўлсалар-да, дунёда яхши муомалада бўлгин...” оятини нозил қилди⁵.

Фарзанд ота-онасига қиладиган яхшилигини улар вафот этганларидан кейин ҳам давом эттириши мумкиндир: “Саҳиҳи Муслим”да Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинди: “Мен Расулуллох соллолло-ху алайҳи ва салламнинг: “Киши отасининг вафотидан кейин унинг ёр-дўстларини йўқлаб туриши яхшиликларнинг яхшисидандир”, деганлари-ни эшитганман”, дейди Абдуллох ибн Умар розияллоху анхумо⁶.

Барча иллатларнинг негизи Қуръон кўрсатмаларидан оғиш ёки эътиборсизликдир. Қуръон оятларида айтилган Луқмони ҳақим Аллох таоло томонидан ҳикмат берилган солиҳ инсон экан, унинг насиҳатларини ҳаётимизга дастурул амал қилиб олишимиз, бунинг учун масжидларда, ОАВ, медиа ва ижтимоий тармоқлар орқали салбий информацияни ўрнини босувчи диний-маърифий

⁴ ЎзМЭ. Биринчи жилд. –Тошкент, 2000. –Б.234.

⁵ <https://nasafziyo.uz/index.php?newsid=124>

⁶ Ваҳба Зухайлий. Тафсийрул Мунийр. – Дамашк: Дорул фикр, 2009. –Б.351.



дастурлар, чиқишлар, мақолалар, таъсирли видеороликлар ишлаб чиқиб тарқатишни тизимли йўлга қўйиш лозим.

Аллоҳ таоло барчаларимизни ахлоқсизликдан, шайтоний васвасалардан асраб, оилаларимиз билан тинч-тотув ва фаровонликда ҳаёт кечиришимизни насиб этсин!

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ваҳба Зухайлий. Тафсийрул Мунийр. – Дамашк: Дорул фикр, 2009. – 362 б.
2. Анвар Аҳмад. Саодатга етакловчи ҳикматлар. – Тошкент: Сано-стандарт, 2018. 1-китоб. – Б. 320.
3. Ислом энциклопедияси. Масъул муҳаррир З.Хусниддинов. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2004. 1-жуз. – 197 б.
4. https://islom.uz/mano_tarjima/31
5. [https://www.islamonline.uz/quran/content?id=4820 \](https://www.islamonline.uz/quran/content?id=4820)
6. <https://nasafziyo.uz/index.php?newsid=124>